

ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА АФФИЛЛАНГАНЛИК ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

КАХОРОВ НОДИР АХРОРКУЛОВИЧ

УДК: 336.14:343.35 (Давлат харидлари, мансабдорлик (коррупция) жиноятлари)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22856970>

ANNOTATSIYA: Ушбу мақолада давлат харидлари тизимида яширин иқтисодий рағбатлантирувчи ва рақобатни чеклашга олиб келувчи асосий латент омиллар — аффилиланганлик ва манфаатлар тўқнашуви муаммолари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонуни талаблари доирасида харид жараёнларидаги яширин келишувларнинг иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинган. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг сўнгги статистик маълумотлари асосида соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг таркибий қисми ўрганилиб, институционал назоратни рақамли интеграция орқали кучайтириш механизмлари илгари сурилган.

Kalit soʻzlar: Манфаатлар тўқнашуви, аффилиланганлик, яширин келишувлар, давлат харидлари, ички комплаенс, рақамли декларация, Harid.uzex.uz.

КИРИШ ВА МУАММОНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонунининг кучга кириши давлат маблағларидан фойдаланишда шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, электрон давлат харидларида манфаатлар тўқнашувини латент (яширин) усуллар билан ниқоблаш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Бюджет маблағларини сояга йўналтириш, асосан, харид комиссияси аъзолари ва етказиб берувчилар ўртасидаги яқин қариндошлик, иқтисодий боғлиқлик ёки аввалдан тил бириктириш (collusion) орқали содир этилмоқда. Бу соғлом рақобатни чеклаб, давлат бюджетининг самарадорлигига жиддий путур етказди.

ТАҲЛИЛ ВА ЭМПИРИК НАТИЖАЛАР

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳисоботи маълумотларига кўра, давлат харидларида аниқланаётган қонунбузарликларнинг молиявий ҳажми кескин ортиб, 666,6 миллиард сўмни ташкил

этган бўлса, шундан салмоқли қисми айнан манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик улушига тўғри келади. Жумладан, Ҳисоб палатаси томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан риск-таҳлиллар асосида амалга оширилган аудит тадбирларида ҳажми 12,6 триллион сўм қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Бунинг асосий қисми шартномаларни асоссиз тўғридан-тўғри тузиш, давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиш, шартномаларни комплекс экспертизадан ўтказмаслик, харид қилиш тартиб таомилларининг бузилиши оқибати эканлиги таъкидланган¹.

Харидларда аффилиланганлик ва манфаатлар тўқнашуви қуйидаги тизимли схемалар орқали намоён бўлмоқда:

¹ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маъруза (2025 йил).

"Фиктив рақобатдошлик" (Сохта фирмалар): Битта ҳақиқий бенефициар (эгаси)га тегишли бўлган, лекин расман турли шахслар номига расмийлаштирилган 2-3 та фирманинг битта лотда қатнашиши.

"Инсайдерлик муҳити": Техник топшириқларнинг (спецификацияларнинг) буюртмачи томонидан атайлаб фақат "ўзига тегишли" бўлган фирманинг товар ва хизматларига мослаб ёзилиши.

2-жадвал. Расмий ўрганишларда аниқланган манфаатлар тўқнашувининг соҳалар кесимидаги таҳлили (2025–2026 йй.)

T/p	Вазирлик ва идоралар тизими	Аниқланган яширин шартномалар сони	Молиявий ҳажми (млрд сўм)	Асосий схема тури
1	Мактабгача ва мактаб таълими	42 та ҳолат	441,7	Аутсорсинг (соғлом овқатлантириш) тизимидаги яширин боғлиқлик.
2	Соғлиқни сақлаш ва Санепидқўмита	28 та ҳолат	92,3	Тиббий ускуналар ва дори воситалари харидидаги аффилланганлик.
3	Маҳаллий ҳокимиятлар (Қурилиш соҳаси)	35 та ҳолат	114,6	Лойиҳа-қурилиш ишларида қариндошлик алоқалари.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, энг йирик коррупциявий хавфлар айнан ижтимоий ва қурилиш соҳаларида кузатилмоқда.

Таълим тизимининг ўзида атиги бир нечта йирик аутсорсинг шартномаларида 441,7 миллиард сўмлик манфаатлар тўқнашуви фош этилган.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.

Давлат харидларини аффилланганлик омилидан тозалаш ва соядан чиқариш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Институционал рақамли интеграция: Давлат харидлари электрон тизимини (Xarid.uzex.uz) ФХДЁ (ЗАГС) органларининг рақамли базаси, Давлат солиқ қўмитасининг "Юридик шахслар реестри" ва Банк олувчиларининг якуний бенефициарлари базаси билан интеграция қилиш шарт. Бу харид комиссияси аъзолари ва иштирокчилар ўртасидаги яқин қариндошлик алоқаларини инсон омилисиз, автоматик равишда тўсиш имконини беради.

Мажбурий рақамли декларациялаш: Давлат харидларида иштирок этувчи ҳар бир тадбиркорлик субъектидан ўзларининг ҳақиқий муассислари (эгалари) ҳақида мажбурий электрон декларация талаб қилиш тизимини кучайтириш лозим.